



Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2026 йил 18 апрель, шанба, №44-45 (3690-3691).



»» Президент



САРМОЯ – ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

ДАВЛАТ РАҲБАРИ “АСТАНА” ХАЛҚАРО МОЛИЯ МАРКАЗИ ДИРЕКТОРИ РЕНАТ БЕКТУРОВНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Президентга 2025 йилдаги ва 2026 йилнинг биринчи чорагида Марказ фаолиятининг асосий натижалари ва уни ривожлантириш режаси тақдим этилди.

Марказ ташкил этилганидан буён жалб қилинган сармоялар ҳажми 21,5 миллиард долларга етди (2025 йилдан буён – 7,2 миллиард доллар). Марказ бошқарувидаги активларнинг умумий қиймати 5,4 миллиард долларни ташкил этди.

Ренат Бектуровнинг сўзларига кўра, АХММ иштирокчилари мамлакат бюджетига 284,3 миллиард тенге солиқ тўлади (2026 йил 1 январь ҳолатига кўра), ўтган йилнинг ўзида 135,9 миллиард тенге ўтказди. Солиқ тушумларининг ўсишига асосан иштирокчилар

сонининг кўпайиши ва улар фаолиятининг жонланиши таъсир кўрсатди. Масалан, 2025 йилдан буён 1800дан зиёд янги компаниялар рўйхатдан ўтказилди. Марказ иштирокчиларининг умумий сони 5400дан ошди.


Давлат раҳбарига авиация-молиявий экотизимни ривожлантириш мақсадида “Aviation Finance Hub”нинг ишга туширилиши ҳақида маълумот берилди. Ушбу ташаббус самолётларни молиялаштириш ва лизингга харид қилишни ривожлантириш, саноат тажрибасини оширишга қаратилган.

АХММ шунингдек, геологик қидирувнинг дастлабки босқичларида лойиҳаларга сармояларни жалб қилишга қаратилган махсус дастурни ишга туширди. Марказ минтақадаги ижодий индустрияни кўллаб-қувватлаш учун экотизимни ривожлантирмоқда.

Учрашув якунида Давлат раҳбари Марказни янада ривожлантириш юзасидан қатор вазифаларни белгилади. Шу муносабат билан у АХММнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш, мамлакатга капитал жалб қилиш учун энг қулай шароитларни яратиш ва Қозоғистон молия бозорини ривожлантириш мақсадида Марказ тажрибасини кенг тарқатиш зарурлигини таъкидлади.

Akorda.kz.

СУВ – СТРАТЕГИК БОЙЛИК



Президент Қасим-Жүмарт Тўқаев БМТ Бош қотибнинг сув захиралари бўйича махсус вакили Ретно Марсудини қабул қилди.

Учрашув чоғида дунёвий ва минтақавий сув кун тартибининг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Давлат раҳбари Қозоғистон учун сув захиралари стратегик аҳамиятга эга эканлигини, улар тараққиёт, экологик хавфсизлик ва минтақавий барқарорлик билан бевосита боғлиқлигини таъкидлади.

– Дунёвий иқлим ўзгариши шароитида сув соҳасида халқаро ҳамкорликнинг самарали тизимини яратиш Марказий Осиё минтақаси учун алоҳида аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан мен БМТ ҳомийлигида Халқаро сув ташкилотини тузиш ташаббусини кўтардим. Мазкур режа сув захираларидан оқилона фойдаланиш, халқаро мувофиқлашувни кучайтириш ва мавжуд муаммоларга барқарор ечимлар топишга янги суръат бағишлайди, – деди Қ. Тўқаев.

Астана шаҳрида ўтказиладиган минтақавий экологик саммит

доирасида ушбу ташаббус юзасидан халқаро маслаҳатлашувларнинг биринчи босқичи бошланади. Унда янги тузилманинг шаклланиш истиқболлари ва асосий йўналишлари атрофида муҳокама қилинади.

Шунингдек, 2026 йил декабрь ойида Абу-Дабида ўтадиган БМТнинг сув захиралари бўйича конференцияси муҳим мулоқот майдони сифатида қайд этилди.

Томонлар Марказий Осиё минтақасида сувдан самарали фойдаланиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратдилар.

Akorda.kz.

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ДАВРИ



Kazinform. Қозоғистон Бош вазири ўринбосари – Миллий иқтисодиёт вазири Серик Жуманғарин Вашингтон шаҳрида Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё бўйича вице-президенти Антонелла Бассани ҳамда банк гуруҳи вакиллари билан учрашув ўтказди.

Музокаралар Қозоғистон делегациясининг АҚШга ташрифи доирасида режалаштирилган мамлакатнинг сармоявий имкониятларини тақдим этишга тайёргарлик жараёнида бўлиб ўтди.

Учрашувда стратегик ҳамкорликни янада кенгайтириш ҳамда ушбу етакчи халқаро молия институти томонидан Янги Қозоғистонда амалга оширилаётган ислохотлар дастурини кўллаб-қувватлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз банкнинг энг йирик ҳамкорлари қаторига кирди – лойиҳалар портфели бир неча барабар кўпайди. Жаҳон банки иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа барқарорлигини таъминлашга қаратилган муҳим ислохотларни амалга оширишда кўмаклашмоқда.

Қайд этилишича, 1993-2026 йиллар давомида ҳамкорлик доирасида транспорт, таълим, экология, “яшил” технологиялар ва рақамлаштириш соҳаларида умумий қиймати 8 миллиард долларга яқин 50дан зиёд лойиҳа амалга оширилган.

Томонлар инфратузилма соҳасидаги сармоявий дастурлар асосида ҳамкорликни кенгайтиришга тайёр эканликларини маълум қилдилар.

Туркистон шаҳрида муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ёшларни Қозоғистон Республикаси Қуролли Кучлари сафига тантанали кузатиш маросими ўтди.

Улар Астана ва Алматы шаҳарларида ҳарбий бурчини адо этади.

Тадбирда вилоят ҳокимлиги, мудофаа ишлари бошқармаси масъуллари, соҳа фахрийлари, ота-оналар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Маросимда сўзга чиққан масъуллар Ватан олдидаги бурчини бажариш ҳар бир йигит учун юксак шараф эканини таъкидлаб, ёшларга омад тиладилар.

Таъкидлаш жоиз, мамлакатимизда муддатли ҳарбий хизматчилар учун қатор имтиёзлар жорий этилди. Бу эса мамлакат Қуролли Кучларининг нуфузини янада ошириб, миллий армия сафларида хизмат қилиш йигитларимиз учун нафақат бурч, балки гурур ва ифтихор манбаига айланди.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.

БЎЛҒУСИ АСКАРЛАР ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА КУЗАТИЛДИ



БОС, БОС, ҚАМЧИ БОС!

ЁШЛАР ЎРТАСИДА КЎПКАРИ БЎЙИЧА ВИЛОЯТ ЧЕМПИОНИ АНИҚЛАНДИ



киритди. Келес жамоаси иккинчи ўринни, Тулкибош жамоаси учинчи ўринни эгаллади. Жетисай жамоаси эса мусобақани тўртинчи ўринда якунлади.

Таъкидлаш жоиз, ушбу чемпионатнинг асосий мақсади – яқинлашиб келаётган Қозоғистон Республикаси чемпионатига энг яхши ўйинчиларни саралаб олишдан иборат. Миллий чемпионат жорий йил август ойида Алматы вилоятида ўтади.

Мусобақа якунларига кўра, голиб ва совриндорлар ташаккурномалар, медаллар ҳамда кубоклар билан тақдирландилар.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

Туркистон вилоятининг бағрида, тоғлар кўйида баҳор нафаси уйғонган бир паллада табиатнинг энг нозик ва гўзал мўъжизаларидан бири – лолаларни асрашга бағишланган юксак маънавий тadbир ўтди.

“Қозоғистон – лолалар ватани” номини олган ушбу экологик акция инсон қалбида табиатга муҳаббат ва масъулият ҳиссини уйғотишга қаратилган маънавий ҳаракатга айланди.

Тоғ ёнбағирларида Грейг лолалари баҳор шамолида майин тебранмоқда. Уларнинг жози-

ҚОЗОҒИСТОН – ЛОЛАЛАР ВАТАНИ

бадор ранглари инсон қалбига хузур бағишлайди. Мутахассислар таъкидлашчи, лола гўзаллик тимсоли, тарих ва биологик мероснинг ноёб қатламидир. Чунки лолаларнинг илдизи айнан Марказий Осиё тупроғига бориб тақалади.

Қозоғистонда лолаларнинг 35дан зиёд тури учрайди. Улар орасида Грейг, Кауфман ва Шренк лолалари нозиклиги

ва камёблиги билан алоҳида ажралиб туради. Уларнинг 18 тури Қизил китобга киритилган. Табиий паркларимизда эса бу гўзалликнинг олти тури мавжуд.

Тadbир Бўралдай ўрмон хўжалиги ҳудудида, Байдибек тумани, Шукуршақ қишлоғи яқинидаги сайёҳлик йўлида, шаршара ёнида ташкил этилди. Табиат кўйида ўтган ушбу учрашувда “Сирдарё – Турки-

стон” давлат минтақавий табиий парк Бўралдай филиали директори Бахитжан Қириқбай ва бошқа мутасаддилар сўзга чиқиб, лолаларни асраш – бу экологик вазифа ва маънавият масаласи эканини алоҳида таъкидладилар.

Ушбу экологик тadbир фақат илмий ёки расмий мулоқот билан чекланиб қолмади. Унда кўшиқлар янгради, миллий



уйинлар ўтказилди, ёшлар заковат беллашуварда иштирок этдилар. Қизлар эса анъанавий таомлар тайёрлаб, унутилган миллий таъмлارни қайта жонлантирдилар.

Тadbир якунида табиатни асрашга фаол ҳисса кўшган ўқувчилар ва фуқаролар муносиб тақдирландилар.

Анъанага мувофиқ, ушбу экологик акция ҳар йили ўтказилади. Мактаб ўқувчиларига эса лолаларни узмаслик, ноёб ўсимликларга эҳтиёткорлик билан ёндашиш зарурлиги ҳақида тушултириш ишлари олиб борилади.

Эслатиб ўтамыз, Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексининг 339-моддасига муво-

фиқ, ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган ўсимликлар ҳамда ҳайвонларга зарар етказиш қонун билан жазоланади. Жумладан, қонунбузарларга 300 ОҶҚгача жарима солиш, 300 соатгача жамоат ишларига жалб қилиш ёки 3 йилгача озодликдан назарда тутилган. Бу қонун табиатни ҳимоя қилиш – барчанинг умумий бурчи эканини яна бир бор эслатади.

Ерлан МУХТАРХАНУЛИ,
“Сирдарё – Туркистон”
давлат минтақавий табиий
парки ДКК бош
директор ўринбосари.



Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, қишлоқ хонадонининг файзи, қутбаракаси қаердан бошланади? Бу саволни кўплаб ҳамқишлоқларимизга – кайвони оқсоқоллару момоларга, ораста хонадон бекаларига, рўзгорбоши танишларимизга бериб кўрдим. Кўпчилиги дарҳол: «Ердан, томорқадан», деди. Кимдир ҳазил аралаш «Сандиқдан», бошқаси «Кетмондан», яна бири «Ариқдан», деб жавоб қайтарди. Аслида, менинг бу ўзгача сўровимда қатнашганларнинг барчаси ўзича ҳақ эди.

Зубайда момонинг жавоби эса қалбимда алоҳида ўрин эгаллади:

– Файз-барака тандир-ўчоқ, қозон-товоқдан бошланади-да, болам, – деган эди у. – Ҳақошнинг саришталик, файз бўлмаса, эр-хотин минг топармон-тутармон бўлмасин, рўзгорда барака бўлмайди...

Момонинг бу гапларида чуқур ҳаёт ҳақиқат мужассам. У кишининг айтишича, илгари ҳам совчиликка келган аёллар баҳона топиб, албатта, ўчоқбошига назар ташлашган. Чунки айнан шу жой орқали хонадоннинг тартиби, аёлнинг саришталлиги, фарзандлар тарбияси ҳақида хулоса чиқариш мумкин бўлган.

Бу ўғитлар ҳали ҳамон қишлоғимизда яшаб келмоқда: ўчоқни тоза тутиш, кулни ўз вақтида олиш, оловни эҳтиёт қилиш, идиш-товоқни саранжом сақлаш... Бу оддий қондалардек туюлса-да, уларнинг замирида улкан маъно мужассам. Чунки тозалик бор жойда файз бўлади, барака бўлади, маданият шаклланади.

Менимча, бу тушунча фақат бир хонадон доирасида қолиб кетмаслиги керак. Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган «Тоза Қозоғистон» ташаббуси ҳам айнан шу ғояга таянади. Яъни, тозаликни катта кўчалардан эмас, аввало, ҳар бир инсоннинг уйдан, ўчоғидан, қалбидан бошлаш керак.

Агар ҳар биримиз ўз хонадонимизни ораста тутсак, кўчамиз тоза бўлади. Кўчалар тоза бўлса – қишлоқ обод бўлади. Қишлоқлар обод бўлса – бутун мамлакат гўзаллашади. Шу маънода қараганда, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «Тоза Қозоғистон» фақат шанбалик эмас, балки халқнинг ҳаёт тарзига айланиши лозим бўлган умуммиллий ҳаракатдир.

«Саришталли уй – фаришталли уй» деб бежиз айтилмайди. Бу ҳикмат замирида ҳам улкан ҳақиқат ётади. Тозалик – бу инсоннинг ички дунёси, маданияти ва маънавиятининг ойнаси ҳисобланади.

Ҳаммоми йўқ бойваччалар ҳам бор. Бу ҳақда ўйлар эканман, ёдимга бир воқеа тушади.

Дўстим икки укаси билан бир кунда уйланганди. Тўйдан сўнг отасидан қолган кичикроқ ҳовли торлик қилди. Дўстим, ака-укаларнинг каттаси сифатида, янги иморат қуришга киришди. Аммо эндигина иш бошлаган ўқитувчининг имконияти чекланган эди.

Шунинг учун у ишни энг заруридан бошлади: бир хона, ошхона, тандирхона, ҳаммом, қўйхона ва емхона қурди. Тез орада томини ёпиб, кўчиб ҳам ўтди. Ҳовлисида деҳқончиликни йўлга қўйди. Бир кун синфдошларини чақириб, зиёфат берди.

Биз унинг якка хонасига зўрға сидик.

Шунда даврадаги бир қариндоши истеҳзо билан:

ТОЗАЛИК – ОСТОНАДАН БОШЛАНАДИ



– Тандирхонанг билан ҳаммомингни томини ёпгунча, битта меҳмонхона курсанг бўлмасмиди? – деди.

Дўстим эса босиқлик билан жавоб берди:

– Сен катта фермерсан, бойсан. Сақиз хонали уйинг бор. Лекин бир ўйлаб кўр: даладан чарчаб келганинда ювиниш учун ҳаммоминг борми? Хотининг қишда қор-ёмғирда тандирга кирмайдими? Нега аввал одам учун зарур шароитни яратмай, фақат кўз-кўз қилиш билан оворасан?

Бу саволга у жавоб тополмади...

Бу воқеа оддий кўринса-да, жуда чуқур маънога эга. Чунки тозалик ва маданият инсоннинг кундалик ҳаётидан, унинг яшаш шароитидан бошланади.

... Холмат шаҳарда иш топгач, ижара квартирага кўчиб, оиласи билан шаҳарга жойлашди. Қишлоқдаги ўз уйини эса ижарага берди. Орадан бир ой ўтиб, у қишлоққа келиб, уйининг аҳволини кўрдию, ёқасини ушлади.

Уй эмас, гўё молхонага айланиб қолгандек эди. Ҳамма жой ифлос, бетартиб. Гўё бу ерда одам эмас, мол боқилгандек. Аммо мол боқилса ҳам, у хона тозаланади-ку! Бу ерда эса оддий тозаликдан асар ҳам йўқ эди. Натижада, уй шундай аҳволга келган-

ки, унга ҳатто мол ҳам киришдан ҳазар қиладигандай туюларди.

Холмат ижарачилардан уйни икки соат ичида бўшатилиши талаб қилди. Ҳатто ижара ҳақини ҳам сўрамади. Дам олиш кунлари эса уйни тозалаш билан ўтди. Кейин уйига қулф осиб, қўшнисига калитни қолдириб кетди.

«Эпли хотин кафтдек унни нон қилади, эпсиз хотин бир қоп унни чанг қилади», деб халқимиз бежизга айтмаган.

Ижарада яшаган оила ошхона, ювиниш хонаси ва ҳожатхонани озода тутишга вақт топа олмаган. Энг ачинарлиси, бу оилада икки нафар бола бор эди. Улар қандай муҳитда тарбия топаётгани ҳақида ўйлаб, киши беихтиёр изтиробга тушади.

Ҳақиқатдан ҳам, инсоннинг маданияти айнан шу жойларда намоён бўлади. Тозаликка бепарволик эса тарбия ва масъулиятга бепарқликдан келиб чиқади.

“Айрим хонадонларда ювиниш хоналари ва ҳожатхоналарга етарлича эътибор берилмайди. Ҳидланган сочиқлар, ювилмаган идишлар, саргайган ванна – буларнинг барчаси инсон кифайитига салбий таъсир кўрсатади. Энг ачинарлиси, бундай муҳитда яшаган инсонлар кўпинча моддий етиш-

мовчиликдан шикоят қилади. Аслида эса ҳақиқат оддий: барака – ҳалоллик, озодлик ва аҳилликни севади. Озодлик бўлмаган жойда ҳалоллик бўлмайди, ҳалоллик бўлмаган жойда аҳиллик, аҳиллик бўлмаган жойда эса барака бўлмайди», деб ёзади блогер Кавсар Нур.

«Саодат» журналида ўқиган бир фикр ҳам шунини тасдиқлайди: агар ҳар бир хонадонни кичик бир Ватан деб билсак, унинг бошлиғи оиласи учун энг зарур шароитларни яратиши керак. Аёллар оғир шароитда меҳнат қилмаслиги, оила аъзолари муносиб ювиниб, тоза яшаш учун ҳатто кичик бўлса-да, ҳаммом қуриш ҳақида ўйлаш лозим.

Булар қишлоқ хонадонидеги биргина ўчоқбоши ёхуд ҳаммом баҳона юзага чиққан фикр-мулоҳазалар, холос. Қишлоқда турмуш маданиятини юксалтириш борасидаги мавзунини эса яна истаганча давом эттиришимиз мумкин. Масалан, чиқиндиларни муаммоси қишлоқларимизда ҳануз долзарблигича қолмоқда. Қишлоқда замонавий канализация тизимларини барпо этиш сингари масалалар мутахассисларимиз, мутасаддиларимиз назаридан четда қолмаслиги керак.

Бу гаплар баъзилар учун қаламга олишга арзимайдиган масала бўлиб



туялар. Аслида эса нимаики инсон манфаатлари – унинг саломатлиги, турмуш фаровонлиги билан боғлиқ бўлса, у давлатимиз аҳамиятига молик муҳим масала ҳисобланади.

«Қишлоқлик энди илгариги қишлоқлик эмас, – деб ёзган эди Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов. – Кийинишда, муомалада, юриш-туриш ва рўзгор тутишда бугунги қишлоқда яшовчилар ҳеч бир шаҳарликдан кам эмаслар».

Қаҳрамон шоиримиз таърифидаги бу одамлар қишлоқда турмуш маданиятини замонавий асосда ташкил эта олган қишлоқдошларимиз – сизу бизнинг кўшимиз, маҳалладошимиз. Улардан ўрганилик, уларга эргашайлик, улардан ибрат олайлик.

“Тоза Қозоғистон” ғояси орқали мамлакатда экологик маданиятни юксалтириш йўлида муҳим қадам қўйилди. Бу ташаббус фақат шанбаликлар уюштириш, кўчаларни супуриш, дарё ва тоғларни тозалаш билан чекланмайди. У, аввало, инсоннинг ички дунёсига қаратилган – қалбларни тозалашга, фикрни янгилашга, онгни уйғотишга хизмат қилади.

Чунки ҳақиқий тозалик ташқи муҳитдан эмас, инсоннинг ўзидаги муносабатдан бошланади. Агар одам табиатга бефарқ бўлса, у ўз ҳовлиси ҳам, яшаб турган жамиятига ҳам бепарво бўлиб қолади. Шу маънода “Тоза Қозоғистон” – барча қозоғистонликларнинг ҳаёт тарзини ўзгартиришга қаратилган умуммиллий ҳаракатдир.

Коронавирус пандемияси эса бу масалада биз учун қаттиқ, аммо зарур дарс бўлди. Биз тозалик, гигиена, шахсий масъулият каби тушунчаларнинг нақадар муҳим эканини амалда ҳис қилдик. Бир қарашда оддий бўлган қоидалар – қўл ювиш, озодликка риоя қилиш, атроф-муҳитни асраш орқали инсон ҳаётини сақлаб қолиши мумкинлигини англадик.

Энди бу сабоқни унутмаслик – биз учун энг улкан масъулиятдир. Агар кечаги хатоларни тасдиқласак, бу фақат ўзимизга эмас, келажак авлодга ҳам хиёнат бўлади.

Шунинг учун “Тоза Қозоғистон” ғояси ҳар биримиз учун ҳаёт тарзига айланиши керак. Ҳар бир тозаланган кўча, ҳар бир экилган дарахт, ҳар бир ораста ҳовли – бу соғлом ва барқарор келажакка қўйилган пойдевордир. Хулоса қилиб айтганда, файз-барака ҳам, тараққиёт ҳам, экологик маданият ҳам бир нуқтадан – оддий ўчоқбошидан бошланади. Агар шунини англасак, ҳар биримиз “Тоза Қозоғистон” ғоясининг ҳақиқий иштирокчисига айланамиз.

А. АБДУФАТТОҲ,

>>> Обуна – 2026

САВРОН ТУМАНИ МАРКАЗИДАГИ МАКТАБЛАРДА

2026 ЙИЛНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИГА “ЖАНУБИЙ ҚОЗОҒИСТОН”
ГАЗЕТАСИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Саврон тумани ўЗМБ раиси, фахрий устоз Қурбонбой Ирисбеков ҳамроҳлигида туман марказидаги тажрибали директор Қанат Қалиев раҳбарлик қилаётган Ж. Ташенов номли мактабга ташриф буюрдик. Ушбу таълим даргоҳининг ютуқлари мул. Ўзбек тили ва адабиёти фанининг заҳматкаш устози Нодира Юсуповага мактаб маъмурияти қўллови билан 60 нусха “Жанубий Қозоғистон” газетаси обунасини ташкил этаётгани учун тахририят номидан самимий миннатдорчилик билдирамыз.



Ж. Ташенов номли мактаб директори Қ. Қалиев

нусха “Жанубий Қозоғистон” газетасига шартнома асосида обунани расмийлаштирадиган бўлди.

Қўсмезгил овулидаги Сержан Успанули Шўқаманов раҳбарлик қилаётган умумтаълим мактаби ҳам яқинда фойдаланишга топширилган. Ушбу мактабнинг иқтидорли ўқувчиси ўзбек тили ва адабиёти фан олимпиадасида вилоятда, республикада голиб чиқди. Мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти фани устози Дилфуза Файзиметова мактаб маъмурияти билан ҳамкорликда 2026 йилнинг иккинчи ярмига 20



Ж. Ташенов номли мактаб устози Нодира Юсуповага мактабда пешқадам.



А. Байтурсинов номли мактаб устози Насиба Алхонова ҳамкасби Гулбаушан Қазбек қизи билан.



Т. Айтжанов номли мактаб директори Қанат Байтишев обунани ташкил этаётган устоз Наргиза Исмоилова билан.



Қўсмезгил худудидаги мактаб устози Дилфуза Файзиметова.



5-сонли мактаб директори Қайрат Сапаралиули туман ўЗМБ раиси Қурбонбой Ирисбеков ва ҳамкасблари Нодир Умаров, Шохрух Абдиллат, кутубхоначи Қурбанкул Абубакир билан суҳбат чоғида

Чўрноқ қишлоғидаги Алия Алдиярова раҳбарлик қилаётган собиқ Чўрноқ, ҳозирги А. Байтурсинов номли мактабда ҳам бўлди. Ушбу таълим даргоҳида ўзбек тили ва адабиёти фанининг тажрибали устози Насиба Алхонованинг саъй-ҳаракатлари билан жамоа 30 нусха газетамизга обуна бўлди. Уни директор котибаси, тахририят мактубини қабул қилган Гулбаушан Қазбек қизи билан тасвирга олдим.

Қанат Байтишев раҳбарлик қилаётган Т. Айтжанов номли мактабда ҳам ўзбек тили ва адабиёти

фани ўқитувчиси Наргиза Исмоилова 28 нусха “Жанубий Қозоғистон” обунасини ташкил этмоқда. Ташаккур!

Чўрноқ қишлоғининг янги маҳалласида яқинда фойдаланишга топширилган 5-сонли умумтаълим мактаби директори Қайрат Сапаралиули ҳузурда касба уюшмаси кўмитаси раиси Нодир Умаров, ҳарбий таълим устози Шохрух Абдиллат ҳамда кутубхона мудираси Қурбанкул Абубакир қизи билан обуна ҳақида суҳбатлашдик. Келаси ярим йилликка ушбу мактаб 21

нусха “Жанубий Қозоғистон” рўзномаси обунаси ташкил этилишини маълум қилди.

35 йилдан буюн чоп этилаётган тинчлик ва тотувлик сиёсатини тарғиб этаётган нашримиз обунасига ҳолис ёрдам кўрсатаётган барча ҳимматли устозларга миннатдорчилик билдириб, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, омад ва янги зафарлар тилаб қоламыз.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Муаллиф тасвирлари.

БИЛИМ ВА МЕҲНАТ САМАРАСИ



Шимкент шаҳар мактаблари ўқувчилари Тараз шаҳрида ўтказилган ижтимоий-гуманитар йўналишдаги фанлар бўйича юқори синф ўқувчилари ўртасидаги республика олимпиадасида совринли ўринларни қўлга киритишди.



Ушбу билим ва заковат беллашувида мамлакатимизнинг барча минтақаларидан 270 нафар ўқувчи иштирок этди. Шимкент шаҳридан қатнашган 12 нафар ўқувчининг беш нафари совринли ўринларни эгаллаб, шаҳар шарафини муносиб ҳимоя қилишди.

Ўзбек тилида таълим берадиган мактабларда қозоқ тили фанидан Ойбек номли 14-сонли умумтаълим мактабининг 10-синф ўқувчиси Нигора Юсупова (ўқитувчиси Назгул Шегеторина) 1-ўринни эгаллади. 2-ўринни Қозоғистон тарихи фанидан 1-сон-

ли Билим-инновация лицей-интернати ўқувчилари Ербўл Алиханбар, Дастан Қалу, шунингдек, 3. Хусанов номидаги 110-мактаб ўқувчилари Шаҳризода Шерматова ҳамда Одина Мирзаҳамадова тақсимлашди.

ШОГИРД ЮТУҒИ – МАКТАБ ФАХРИ

Гаухар Байбўсинова раҳбарлик қилаётган Ойбек номли 14-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Севгина Парпиева М. Ауезов номидаги Жанубий Қозоғистон тадқиқот университети томонидан ўтказилган ЯМТ синовининг жаҳон тарихи ва ҳуқуқ асослари фанлари комбинацияси бўйича шаҳар ва вилоят фан олимпиадасида 2-ўринни эгаллаб, махсус диплом билан тақдирланди ҳамда университет грантини қўлга киритди.



Фан олимпиадасида юксак натижани кўрсатгани учун ОТМ ректори мактаб директори Гаухар Байбўсинова, тарих фани ўқитувчиси Малоҳат Ҳакимшикова, география фани муаллими Саодат Исламхоновани фахрий ёрликлар билан тақдирлади.

Ушбу натижа ўқувчиларнинг билимга интилиши, устозларининг самарали меҳнати, таълим тизимидида олиб бораётган ислохотлар натижадорлигини яна бир бор намоян этди.

М. САЪДУЛЛАЕВА.

АМАЛИЙ МУЛОҚОТ – САМАРАЛИ ЕЧИМЛАР

Тулкибош туманининг Озодлик қишлоғидаги А. Навоий номли умумтаълим мактабида 2025-2030 йилларга мўлжалланган таълим муассасаларида барчага тенг маданиятни шакллантириш юзасидан чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Унга кўра, педагог-руҳшунос К. Усембаева 8-синф ўқувчилари билан “Амалий мулоқот руҳияти” мавзусида руҳий амалиёт машғулотлари ўтди. Унда самарали ва ўзгача ҳурматга асосланган мулоқот,



тинглаш кўникмалари, ўз фикр ва ҳис-туйғуларини раво ифода этиш усуллари кўриб чиқилди. Ўқувчилар турли интерфаол машқлар, ролли ўйинлар ва муҳокамаларда фаол иштирок этдилар. Машғулот ўқувчиларда бағрикенглик, жамоада

ишлаш кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилди. Дарс натижасига кўра, ўқувчиларнинг ўзаро мулоқот олиб бориш қобилияти, ҳиссий заковати ошди ҳамда синфда ижобий руҳий муҳит шаклланишига таъсир қўрғанди.

МАДАНИЙ МЕРОС – КЕЛАЖАК ИЛҲОМИ



Мазкур мактабнинг 8-“А” синф раҳбари Г. Апекова ўқувчилар билан “Педагог, жамоат арбоби Аҳмет Жубанов таваллудининг 120 йиллиги” мавзусида очик дарс ўтди.

Тадбирда машҳур санъат намояндаси А. Жубановнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида

қисқача маълумот берилди. Шунингдек, ўқувчиларга маданий мероснинг аҳамияти тушунтирилиб, унинг келажак сари руҳлантирадиган илҳом эканлиги таъкидланди.

“Жанубий Қозоғистон” мухбири.

»» Ёшлар сиёсати амалда

ОНА ТИЛИ: ЁШЛАР НИГОҲИДА МИЛЛАТ РУҲИ



**МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ОРАСИДА “ЖАНУБИЙ ҚОЗОҒИСТОН”
ВИЛОЯТ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИНING
35 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ЭССЕЛАР ТАНЛОВИ ЎТДИ**



Шимкент шаҳрининг Сайрам даҳасидаги Сабит Муқанов номи мактабда “35 йилликка – 35 тадбир” ташаббуси доирасида ҚР Мустақиллигининг ҳамда “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетасининг 35 йиллигига бағишлаб Туркистон вилояти ва Шимкент шаҳридаги ўзбек тилида таълим бевурчи мактабларнинг 10-11-синфлар ўқувчилари орасида “Мустақиллик – ифтихорим, келажаким” мавзусида эсселар танлови ўтди. Танловнинг мақсади – ёш авлод қалбида ватанпарварлик туйғуларини мустаҳкамлаш, Мустақиллик ғояларини кенг тарғиб этиш, ўқувчиларнинг ижодий фикрлаши ва ёзма нутқ маданиятини ривожлантириш эди.



**Робия ДЎСТОНОВА,
Келес туманидаги Т. Бегманова
номи мактаб муаллимаси:**

– Гулал Шимкент шаҳрида Қозоғистон Республикаси Мустақиллигининг ва севимли республикамиз “Жанубий Қозоғистон”нинг 35 йиллиги муносабати билан ўтказилган “Мустақиллик – фахримиз ва келажакимиз” мавзусидаги эсселар танловининг вилоят босқичида иштирок этиш бахтига муяссар бўлдим. Танловда истеъдодли шогирдим, мактабимизнинг 11-“В” синф ўқувчиси Уктамжон Абдирамонов иштирок этди. У ўзининг эссесида Ватан, истиқлол, она тилимиз ва миллий қадриятларимиз ҳақида фикрларини ифода этди.

Уктамжон каби ёшлар – ватанимиз келажак. Ёшларимиз қалбида ватанпарварлик, миллий ифтихор, мустақил юртимизга садоқат каби туйғуларни шакллантиришга қаратилган бу каби тадбирларнинг ташкил этилиши, айни мудоао. Танлов жуда юксак даражада ўтди. Ғолиблар сафида тақдирланган, рағбатлантирилган барча ўқувчилар ва устозларининг қувончи чексиз. Таассуротлари бир олам!



Танловнинг дастлабки босқичи туманлар ва шаҳарларда ўтиб, иккинчи – яқиний босқичга жами 16 нафар ўқувчи йўлланма олди. Улар: Саврон туманидаги 1-сонли мактаб ўқувчиси Фотима Алишеровна, А. Мўлдагулова номи мактаб ўқувчиси Гулбону Амижонова, Кентов шаҳридаги М. Қошғарий номи мактаб ўқувчиси Самира Абдувоситова, Туркистон шаҳридаги Отатурк номи 17-сонли мактаб-гимназия ўқувчиси Хулқар Аминжоновна, Ҳамза номи мактаб ўқувчиси Мадина Салоҳиддинова, Келес туманидаги Т. Бегманова номи мактаб ўқувчиси Уктамжон Абдирамонов, Қазигурт туманидаги Т. Тўла номи мактаб ўқувчиси Машхура Йўлдошева, Тўлебий туманидаги “Жиланбузган” мактаби ўқувчиси Асал Икромовна, Сайрам туманидаги М. Ауезов номи мактаб ўқувчиси Севинч Равшанбекова, А. Музрапов номи мактаб ўқувчиси Барчиноў Жавлонова, “Қайнарбулоқ” мактаби ўқувчиси Нилуфар Алланурова, Тулкибош туманидаги А. Навоий номи мактаб ўқувчиси Отамурод Мирҳозиев, Шимкент шаҳридаги Ю. Сарғимий номи 107-сонли мактаб-гимназия ўқувчиси Ўғилжон Ҳавазматовна, 111-сонли М. Маметова номи мактаб ўқувчиси Ҳусниябону Озодова, 113-сонли Ал Форобий номи мактаб ўқувчиси Шодийр Шомаҳмудов, С. Муқанов номи мактаб ўқувчиси Солиҳа Мирқодировалар.

Шу ўринда, тадбирнинг С. Муқанов номи илм максаида ўтказилишини қўллаб-қувватлаган

мактаб директори Хулқар Жамоловага самимий миннатдорчилик изҳор этамиз. Шунингдек, унинг ўринбосари Аҳдам Йўлдошев ва жамоадаги барча устозларнинг жонбозлиги ва сазий-ҳаракатларини алоҳида таъкидлаб ўтгимиз келади.

Тадбирни “Жанубий Қозоғистон” газетаси ходими З. Мўминжонов очиб, танлов иштирокчилари ва ҳакамлар ҳайъати аъзолари билан таништирди. Шундан сўнг сўз олган “Жанубий Қозоғистон” газетасининг бош муҳаррири Р. Алибоев ушбу танловни ушатиришда яқиндан ёрдам берган ҚР “Дўстлик” ҳамжамияти раиси А. Исмагулова, Туркистон вилоят ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Т. Нишонбоев, Туркистон шаҳри, Саврон, Сайрам, Қазигурт, Келес, Тулкибош, Тўлебий туманлари, Қарноқ қишлоғи УЭМБ раисларига ҳомилийк ёрдами учун миннатдорчилик изҳор этиб, иштирокчиларга омад

тилади. Таниқли суҳандон, газетамизнинг жонқуяри Абубакир Хонхўжаев ҳам эзгу тилақларини билдириб, ушбу танлов ўқувчилар ҳаётида унутилмас воқеа эканини таъкидлади.

Таркибида Кентов шаҳридаги М. Қошғарий номи мактаб ўқувчиси Уринбосар Бобошев, “Жанубий Қозоғистон” вилоят газетаси бош муҳаррирининг ўринбосари Муроджон Абубакиров ва газета муҳбири Мухтабар Усмоновалардан иборат ҳакамлар ҳайъатининг қарорига мувофиқ, 1-ўрин ва 100 минг тенгелик сертификатга Кентов шаҳридаги М. Қошғарий номи мактаб-лицей ўқувчиси Самира Абдувоситова сазовор бўлди, 2-ўрин ва 50 минг тенгелик сертификатга Келес туманидаги Т. Бегманова номи мактаб ўқувчиси Уктамжон Абдирамоновга насиб этди, 3-ўрин ҳамда 30 минг тенгелик сертификатни эса Туркистон шаҳридаги Ҳамза номи мактаб ўқувчиси Мадина Салоҳиддинова кўлга киритди. Ғолиб ва совриндорларга таҳририят томонидан пул мукофотлари, эсдалик совғалари ҳамда ташаккурномалар топширилди.

Тадбирда, шунингдек, эсселар танловида иштирок этган барча ўқувчиларнинг муаллимлари, шунингдек, мазкур тадбирни юқори савияда ташкил этишда жонбозлик кўрсатган С. Муқанов номи мактаб директори Хулқар Жамоловалар “Жанубий Қозоғистон” газетаси бош муҳаррири Р. Алибоев номидан ташаккурномалар ва совғалар билан тақдирландилар.



**Долимжон САЙФУЛЛАЕВ,
Кентов шаҳридаги
М. Қошғарий номи
мактаб-лицей
ўқувчиси:**

– Буғунги танлов ўқувчи ёшларимиз онгу шуғрида, тафаккурда ватанпарварлик туйғусини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Чунки ўқувчилар Ватан, Мустақиллик, тил, истиқбол тўғрисида шахсий мулоҳазалари орқали ўз дунёқарашини намойиш этдилар ва Ватанга муҳаббатини изҳор этдилар.



**Самира АБДУВОСИТОВА,
Кентов шаҳридаги
М. Қошғарий номи
мактаб-лицей
ўқувчиси,
“Мустақиллик –
ифтихорим,
келажаким!”
эсселар танловининг
1-ўрин соҳибаси:**

– Ҳар бир инсон қайси касб соҳиб бўлишидан қатъиян назар, ўз она тилида эркин сўзлаши, фикрини аниқ баён этиши ва саводли ёза билиши керак. Буғунги танлов мана шу талаблар бўйича имтиҳон бўлди. Танловга деярли бир ой тайёрландим. Эссе ёзиш қоидаларини яхши билганим учун юқори натижа кўрсата олдим, деб ўйлайман. Бизга ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс бераётган устозимдан миннатдорман. Буғунги танлов юксак савияда ташкил этилди. Берилган мукофотлар ўқувчиларнинг тилимизни урганга бўлган интилишларини кучайтиришга ажойиб илҳом манбаи бўлгани ҳақиқат. “Жанубий Қозоғистон” газетаси халқимизнинг севимли рўномаси бўлиб қолаверди.

**Моҳира РИХСИМБЕТОВА,
Қазигурт туманидаги
Туроб Тўла номи мактаб
муаллимаси:**

– Мазкур танлов ёш авлод қалбида ватанпарварлик туйғуларини янада мустаҳкамлаш, уларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш ва ижодий салоҳиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этди. Айниқса, танловнинг Қозоғистон Республикаси Мустақиллиги каби улғу ва шарафли санага бағишлангани, шунингдек, “Жанубий Қозоғистон” газетасининг 35 йиллиги билан уйғун холда ташкил этилиши тадбирга алоҳида мазмун бахш этди.

Бундай танловлар ўқувчиларни фақат билим олишга эмас, балки ўз юртига бўлган муҳаббатини ҳис этишга, келажак учун масъулият билан яшашга ундайди. Шу билан бирга, ёш қаламкашларни кашф этиш, уларни қўллаб-қувватлашда ҳам тадбирларнинг ўрни беқиёс.

Келгусида маънавий-маърифий аҳамиятга эга танловлар сони ортавертишга умид билдираман. Чунки Мустақиллик – бу фақат тарихий неъмат эмас, балки ҳар биримиз асраб-авайлашимиз лозим бўлган буюк қадриятдир.

Саҳифани З. МЎМИНЖОНОВ тайёрлади.
С. ИСАМАНОВ суратга олган.

ИШОНЧЛИ АХБОРОТ ВА ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ МАКТАБИ

Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев Қозоғистон журналистларига Миллий матбуот куни муносабати билан йўллаган табригида оммавий ахборот воситалари Адоллатли Қозоғистонни барпо этишга ва жамиятда «Қонун ва интизом» тамойилини мустақамлашга сезиларли хисса қўшаётганига эътибор қаратди.

Президент даврий матбуот вакилларини конституциявий ислохотни, шунингдек, бутун давлат тизимини тубдан янгилашга қаратилган кенг қўламли ўзгаришларни ОАВда кенг ёриштиради.

Давлатимиз раҳбарининг сўзлари сўнгги йиллардаги ислохотлар, журналистика соҳаси тараққиётига бағишланган амалий ишлар, шаффофлик, ошкоралик, сўз эркинлигини кучайтирадиган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинишида ўз исботини топди. Жумладан, янги таҳрирдаги Конституцияимизнинг 20-моддаси оммавий ахборот воситаларига бағишланди. Ушбу моддада қуйидагилар таъкидланади: «Ҳар ким сўз ва ижод эркинлигига эга. Ахборотни эркин олиши ва тарқатиши ҳуқуқи кафолатланади. Цензурага йўл қўйилмайди».



ли оммавий ахборот воситаларининг ўрни бекиёсдир. Шу маънода, 35 йил давомида фаолият юритиб келаётган «Жанубий Қозоғистон» ижтимоий-сиёсий газетаси ўзининг мустақамлашган аънавалари ва шаклланган ижодий мактаби билан алоҳида ажралиб туради.

Газета ўтган йиллар мобайнида нафақат ахборот тарқатувчи, балки жамиятни тарбияловчи, фикр уйғотувчи ва йўналтирувчи минбарга айланди. Унда чоп этилаётган маълумотлар, мақолалар орқали аҳолида ватанпарварлик, фуқаролик масъулияти, миллий қадриятларга

пайдо бўлишига хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, газета мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни атрафлича ёришиб келмоқда. Янги иш ўринлари яратилиши, сармоялар жалб қилиниши, қишлоқ хўжалиги ва саноатдаги ўзгаришлар ҳақидаги мақолалар аҳолининг ислохотларга бўлган ишончини мустақамламоқда.

35 йил мобайнида «Жанубий Қозоғистон» ҳуқуқий саводхонликини оширишда ҳам муҳим ўрин тутиб келди. Қонунчиликдаги янгилликлар, фуқаролар



Шу билан бирга, бу эркинлик қонун доирасида амалга оширилиши кераклиги ҳам қайд этилган (масалан, давлат хавфсизлиги, жамоат тартиби, бошқаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиши каби ҳолатларда чекловлар бўлиши мумкин).

Бу ҳужжатлар журналистлар ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилиши, эркин фаолият юритиши учун замин ҳозирламоқда.

ОАВнинг чинакам «тўртинчи ҳокимият» мақомига кўтарилиши соҳанинг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсири орттиришга хизмат қилмоқда. Самарали бошқарув тизими халқ билан доимий мулоқотда бўлиши, аҳолининг фикр-мулоҳазалари, эҳтиёж ва муаммоларини ҳисобга олиши шарт. Холис ва ҳаққоний ахборот тақдим этиш орқали бу мулоқот янада мустақамланади, ишонч муҳити вужудга келади. Ушбу ёндашув демократик қадриятларни чуқурлаштириш, давлат идораларининг масъулиятини ошириш ва ҳар бир фуқаронинг мамлакат ҳаётидаги иштирокчини таъминлашга қаратилган кенг қамровли стратегия асосидир.

хурмат каби фазилатлар мустақамлашиб келмоқда.

Мамлакатимизда сўз эркинлигига яратилган кенг имкониятлар, хусусан, Қозоғистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида мустақамланган ҳуқуқлар журналистлар зиммасига юксак масъулият юклайди. Бу масъулият – халқ манфаати йўлида холис, аниқ ва ҳаққоний ахборотни етказишдан иборат.

«Жанубий Қозоғистон» газетаси айнан шу тамойилларга таяниб, 35 йил мобайнида

ҳуқуқлари ва бурчлари ҳақидаги мақолалар жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга хизмат қилди.

Бугун ахборот оқими кескин ошган, ижтимоий тармоқлар фаоллашган бир шароитда медиасаводхонлик ва танқидий фикрлаш масалалари янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Ана шундай пайтда, ишончли ва синовдан ўтган манба сифатида «Жанубий Қозоғистон» газетаси ўз ўқувчиси учун мустақам таянч бўлиб қолмоқда.



Бугунги дунёвийлашув ва ахборот асрида оламдаги рақобат фақат иқтисод ёки сиёсат майдонида эмас, балки ахборот маконида ҳам кечмоқда. Давлатлар ўртасидаги геосиёсий ва геоиқтисодий манфаатлар тўқнашуви, таъсир ўтказишга қаратилган уринишлар тобора ахборот воситалари орқали намоен бўлмоқда. Интернет тармоғида ҳар қадамда ахборот хуружлари, турли «оммавий маданият» таъсиридаги зарарли гоғлар тарқалмоқда.

Ана шундай мураккаб шароитда жамиятнинг тўғри йўналтириши, аниқлиқ, ёшлар онига соғлом фикр ва миллий қадриятларни сингдиришда ишонч-

фаолият юритмоқда. Газетада шаклланган андазалар – бу, аввало, ҳаққонийлик, холислик, таҳлилга асосланган ёндашув ва жамият манфаатларига хизмат қилишдир. Шунингдек, ҳар бир мақолаларда масъулиятли муносабат, далилларга таяниш ва ўқувчи ишончини оқлаш устувор аҳамият касб этади.

Ахборот хавфсизлиги бугун миллий хавфсизликнинг ажралмас қисмига айланган бир пайтда, газета ўз саҳифаларида фақат текширилган, ишончли маълумотларни тақдим этиб келмоқда. Бу эса жамоатчиликда тўғри фикр шаклланишига, ёлгон хабарлар ва афғор омманни чалғитишга қарши иммунитет

А. АБДУФАТТОҲ



МУСТАҚИЛЛИК СОЛНОМАСИ

«Чимкентда ҳам хусусийлаштиришнинг дастлабки «қахрамон»лари пайдо бўлмоқда. Бугун мен улардан бири хусусида ҳикоя қилмоқчиман.

1990 йилда вилоятимиз қишлоқ хўжалик ислохоти юксак бўлгани ҳолда унинг ютуқ ва камчиликлари етарли ёритилмаётгани туфайли деҳқончилик саноати кўмитасида вилоят қишлоқ хўжалик рўзномаси очишга қарор қилинди. Зеро, бизда деҳқончилик саноат улуши бошқаларникига нисбатан анча юқори. Қишлоқ аҳли, жамоа хўжалиги аъзолари, ўрта бўғин раҳбарлари ҳам ана шу фикрни қувватлашди...»

«Сувдан ҳовла яшаш мумкинми?». М. Муҳамедов ва рўзноманинг собиқ ходимлари. «Дўстлик байроғи», 1993 йил, №39, 2 июнь.

«Одатимча, ишдан қайтаётиб, қишлоқ марказида «Интеграл» фирмаси идорасига бурилдим. Бош директор Ҳавазмат Исметовни чойхонада дейишди. Сайрам чойхоналарига не етсин. Машина рулини шу томонга бурдим.

Кўм-кўк дарахтлар тагидаги икки сўри тўла меҳмонларни кўриб дабдурустан изимга қайтмоқчи бўлдим. Улар даврасидаги кўзимга иссиқ босилган бир-икки меҳмон мени бу фикримдан қайтарди. Каминани ўзларига оҳанрабодек тортган дўстлар, Ўзбекистоннинг машҳур кишилари Эргаш Каримов, Рўза Каримова, Хайрулла Саъдиев ва бошқалар эди. Маълум бўлишича, Ўзбекистоннинг Абдулла Қаҳҳор номидаги ҳажв театри туманимиз меҳнаткашларига хизмат қилиб юрган экан...»

«Гурунг». Ҳ. Қўчқоров. «Дўстлик байроғи», 1993 йил, №39, 2 июнь.

«Кейинги вақтларда матбуотларда одохлақ мавзуга бағишланган кўп мақолалар эълон қилинмоқда. Тўғри, бу шубҳасиз керак, лекин уларнинг аксарияти қуруқ гаплардан иборат бўлиб қоляпти. Шунинг учун муштарийларга зерикарли бўлиб туюлган бу мақолалар умуман ўқилмайди. Хўш, бундай «насихатгүй» кўплаб эълон қилинишига сабаб нима? Қариялар айтганидек, одобнинг умуман йўқлиги, ўғрилиқнинг авж олиши, номусга тажовуз қилишлар, тубанлашиш каби салбий ҳодисаларнинг эндиликда оддий бир ҳолга айланиб қолаётганиданми?»

«Муаммо жиддий». Бек Али Иброҳимзода. «Дўстлик байроғи», 1993 йил, №18, 2 март.

«Дўстлик байроғи» рўзномасининг 26 январь сониде эълон қилинган «Чангалзордаги қотиллик» мақоласини ўқиб, наҳотки шу воқеа ҳаётда бўлган, деб ўйланиб қолдим.

Келин қайнонани ўлдирди... Яна аёл, боласи бор деймиз, раҳм-шафқат қиламиз. Ахир қонун олдида у ҳам тенг эмасми? Бир одам ўлиб кетса-ю, қотилга атиги 15 йил жазо берилса... нима учун отишга ҳукм этилмади? Қотилнинг жазоси ўлим эмасми? Сазойи қилиш ёки баланд минорадан ташлаш лозим эмасми?»

Онаизор... Ўлим олдида нималарни ўйлади экан: «Ўғлим билан келиним яхши яшасин, оиласи бузилмасин, тинч-тотув бўлишин, дегани аниқ. Оналарга бундан бошқа нима ҳам керак. Қанча орзу-умидлар билан сени келин қилмаганмиди? Ҳаёт гирдобларига ўрилиб, ғам-ташвиш тортиб, сочи оқарганда сендан топгани шу бўлдими? Бунчалик жоҳил бўлмасанг?...»

«Қотилнинг жазоси шуми?». Ю. Эргашев. «Дўстлик байроғи», 1993 йил, №18, 2 март.

«Яқинда вилоят судининг жиноий ишларни қурувчи суд раёсати суд аъзоси Мамбек Сайдижапар ўғли Амирбековнинг раислигида Абай тумани ички ишлар бўлими масъул ходимларининг ташкилотчилигида судир этилган «ММ воқеаси буйича жиноий ишни қаради...»

«ММ воқеаси». Давлат Исабек ўғли. «Дўстлик байроғи», 1993 йил, №18, 2 март.

«20-йиллар бошларидаги очарчилик хусусида ҳужжатларда эслатмалар ва хаттоки оч қолганларга ёрдам қилини чўзган «Помгол» жамият мавжуд эканлиги ҳақида фактлар ҳам бўлса-да, бироқ ўттизинчи йиллар очарчилиги бутунлай сир тутилган, ҳокимият томонидан тан олинмаган ва расмий ёзишмаларда бу ҳақда ҳеч нарса қайд этилмаган.

Уша пайтларда матбуот ва радио ҳам халқ бошига тушган бу ташвиш ҳақида лом-ним демай, сукут сақлаган эди. Бироқ ҳаётга тўғридан-тўғри тадбиқ қилинаётган ялпи коллективлаштириш ютуқлари хусусида кўп гапирлар эди...»

Изох: Ушбу рунда 1990-йилларда матбуотда чоп этилган мақолалар асл нусхасида, таҳрирсиз ҳолда тақдим этилмоқда. Матнда учрайдиган «ноҳия», «раёсат», «кашшоф», «жумҳурият», «январ» каби сўз ва атамалар ўша даврнинг тил меъёри ва матбуот услубини акс эттиради.

«30-йиллар очарчилиги». Л. Рожнова. «Дўстлик байроғи», 1993 йил, №71, 29 сентябрь.

Олдинда қиш фасли қиличини қайраб, остона қоқиб турибди. Шу боисданми, ҳозирдан ўз билгиларича, қиш тадоригини кўриб қўяётганлар қанча, уйларига табиий газ – «Зангори олов» ўтказганларни-ку деярли ташвишлари йўқ, бироқ...

Чимкент катта шаҳар. Эски шаҳар даҳаси вилоят пойтахтининг қоқ марказига жойлашган. Биз – «Панорама Чимкент» рўзномасининг муҳбири, суратчи А. Рўзиматов билан шаҳар марказида ярим қақирим юриб, Эски шаҳар даҳасидаги «Свобода» кўчасига кириб бордик, даҳадаги кўпгина кўчалар сингари «Свобода» ҳам асфалтланмаган. Ўнқир-чўнқир, ҳеч ҳам шаҳар марказидаги даҳа кўчаларига ўхшамайди...»

«Ишонгимиз келяпти...». Ёдгор Латиф ўғли. «Дўстлик байроғи», 1993 йил, №71, 29 сентябрь.

«Ванга 1989 йил февралда орадан уч йил ўтгандан сўнг мен Филиппиндаги машҳур хилерлар (хилер – инглизча сўз бўлиб, даволоччи деган маънони англатади) ҳузурда бўлишимни ва улар мени яхши кутиб олишларини айтганда ишонмаган эдим. Шубҳага тушганимни дарров фаҳмлаган Ванга, вақт келади ва ҳаммаси ўз ўзидан мумкин бўлади, маблағ топилади, деганди...»

1992 йил сентябрида «Глобал холидейс» сайёх фирмасининг эгаси, малайзиялик бизнесмен мендан ёрдам беришни сўраб мурожаат қилди. Унинг мурғак қизи кучли диатез (организмнинг касалликка мойил ҳолати)дан азобланиди...»

«Тигсиз, қўл билан жарроҳлик». Людмила Ким. «Дўстлик байроғи», 1993 йил, №71, 29 сентябрь.

«Яқинда «Дўстлик байроғи» саҳифасида куюнчак, кекса журналист Аҳмаднинг Наметов тақлиф этган Қозоғистон ўзбекистоннинг курултойини ташкил этиб бўлармикан? Ўтган йили ҳам у худди шунга ўхшаш тақлиф, яъни Қозоғистон ва Ўзбекистон давлатлари раҳбарларини Сайрам туманига тақлиф этиб, дилларда уюлиб ётган муаммолар юзасидан фикрлашиш ва уларни ҳал этиш йўллари излаб топиш ҳақида рўзнома орқали фикр билдирган эди.

Бунга оддий меҳнаткашлар – ишчилар, жамоа ва давлат хўжаликлари аъзолари, зиёлилар хайрихоҳлик билдириб, қўллаб-қувватладилар, лекин оммага етакчилик қилаётган ўзбек миллатига мансуб катта-кичик раҳбарлар-чи? Улар негадир мум тишлаганча қолдилар...»

«Халқи учун меҳр бўлсин йигитда». Э. Ёқубов. «Дўстлик байроғи», 1994 йил, №24, 9 апрель.

«Мустақил давлатимиз бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида катта қийинчиликларни бошдан кечирмоқда. Мақталаримиз аҳоли йилдан-йилга оғирлашмоқда. Дарсларнинг етишмаслиги, ўқув қуролларининг танқислиги, кутубхоналарнинг камбағаллиги, умуман, мақталарнинг ўқув моддий базаси ҳақида тўхтамоқчиман.

Маълумки мақталарга бир нечтадан базавий қорхоналар маълум шартнома асосида ёрдам бериб турардилар.

Ҳозирги қийин даврда қорхоналарнинг аҳоли ҳам маълум бўлиб қолди. Шу боис мақталар моддий базаси ночорлашиб бормоқда...»

«Саховатли инсонлар ҳиммати». М. Эргашева. «Дўстлик байроғи», 1994 йил, №1, 1 январь.

«Буюк адабиёт ва буюк санъаткорнинг энг бебаҳо фазилати шундаки, инсон бошига ва ёки элбошига мислсиз қулфатлар тушган чоғда, мумтоз асарлар унинг толгин руҳига мадад боғлайди. Биз узоқ ва чигил тарихий жараён давомида кўпдан кўп оғир ва аянчли кунларни бошдан кечирган, шунинг учун ҳам рўз сўзга, адолатга чанқок халққимиз. 20-йиллар тарихимизга, қолаверса яқин ўттишимизга назар ташлайлик, ҳатто кунга кеча турғунлик даврида йўл қўйилган хатолар, нопок кирдиқорлар фош этишга каттиришган чоғда ҳам нафақат бир гуруҳ юлғич ва кўзбўямачилар, балки бутун бошли ўзбек халқи шаънига доғ туширишга уринишлар содир бўлдики, носоглом бу ҳол кўнгилларни ўқитди, дилларга бешафқат озор етказди...»

«Абдурауф Фитрат ҳақида яна бир сўз». Ёрмухаммад Мадалиев. «Дўстлик байроғи», 1994 йил, №1, 1 январь.

»» Мулоҳаза учун мавзу

ТҲЙЛАР ҲАҚИДА ҲЙЛАР...

“Жанубий Қозоғистон” газетасида “Тўйлар ҳақида ўйлар” рукни остида қатор мақолалар эълон қилинмоқда. Сайрам туманининг Қорабулоқ қишлоғидаги “Оналар мактаби” жамоат бирлашмасининг асосчиси, таниқли ижодкор Победаҳон Абдизимованинг ушбу мавзу борасидаги фикрлари билан танишасиз.



– Победаҳон Юсуфбек қизи, авваламбор сизни “Қозоғистоннинг Олтин китоби”га киритилишингиз билан қутлаймиш. Ижодда ҳам, жамоат ишларида ҳам фаолсиз. Бугунги кунда қишлоқда ташкил этилган “Бувилар кенгаши” бирлашмасига раҳбарлик қилмоқдасиз. Юртдошларимиз томонидан уюштирилган тўйлар ҳақида турли фикрлар мавжуд. Замонавий тўйлар ҳақида қандай фикрдасиз?

– Маълумки, миллий тарбия, одоб-ахлоқ гўзал тарбиянинг дебосасидир. Тўйлар ҳам миллий урф-одатларимиз, яъни ўз-ўзимизни акс эттириши жоиз. Фарзанд воёга етгач, ҳар бир хонадон ўғил уйлантириш, қиз узатиш тўйларини ўтказиши. Тўй – бу аждодларимиздан қолган урф-одат. Нима сабабдан тўй қилинади? Ота-боболаримиз ўғил уйлантириб, қиз узатганларида ёки суннат тўйида элга ош берганлар. Чақалоқ туғилганда эса икки қуда ақика қилиб, ўз яқинларини қақришган, дуо қилдирган.

Ўдимда, ёшлигимда бир қўшнимиз олис қишлоқдан келин олган. Қиш пайти, ерда тизза баравар қор эди. У пайтда автоматини “анқонинг уруги”. Келиннинг опа-сингиллари тракторга қўшилган катта чанада ўтириб келишган. Бундай манзарани илк бор кўрганам учун, кечагидек кўз олдимда. Эндликда ўша келиноиймиз маҳаллада катта оила соҳибаси. Совуқда ҳам ҳовлида хас-хашак ёқиб, келинни гулхан атрофида айлантиришган, сурнай, чилдирма чапиб, ўйин-қулпу қилишган. Кейин уйга кириб, қудаларни шавла, ширной, жийда, туршак, ҳолвайтар билан меҳмон қилишган. Бизга ҳам сопол товоқларда шавла беришган. Эртаси кунни амма-халалар йиғилиб, келин салом маросими ўтказилган. Кейинчилик тўйларда сурнай ва чилдирма билан базм қилиш одатга айланган.

1975 йили Қорабулоқ қишлоғидаги бир ўқитувчи биринчи марта мактабдан стол-стуллар олиб келиб, Ўзбекистондан артист қақриб, тўй қилгани овоза бўлган. “Фалонки домла қизил тўй қилибди”, деб анча гап-сўз тарқалган. Бундай янгиликлар, одатда, бой-бадавлат шахслар томонидан бошланади. Бошқалар ҳавас қилади. Ота-онанинг кучи етмаса ҳам, боланинг кўнгли ўксимасин, деб шундай дабдабали тўй қилади.

– Бугунги кунда тўйлар қандай ўтказилса, мақсадга мувофиқ бўлади?

– Ҳозирги тўйларда ортиқча даҳмаза, русумлар кўпайди. Масалан, тўйлар одатда тўйхонада ёки ресторанда ўтади. Бунинг устига никоҳ гувоҳномасини олган кун икки қуданинг, қиз-йигитнинг танишуви деган янги маросим чиқибди. Видеога, фотосуратларга тушиш, шаҳар айланиш, буларнинг ҳаммаси – пул. Келиннинг ўз уйига жумалаш ҳам кичик тўйга айланмоқда. Тўй дастурхонидаги тоғора-тоғора салатлар, буюртма сомсалар... Кўз-кўз қилиш учун тайёрланган турли таомлар. Бунинг барчаси исрофгарчилик! Лекин кўп таомлар ейилмайди. Фақат “мен ундан ошираман” деган манманлик, кибр, холос. Баъзан тўйга борсам, дастурхонни кузатаман: пирог, торт, ўрик, майиз, бодом, хурмо... яна турли таомлар... Айтингчи, тўйда ким асал, қаймоқ, творог ё ҳолва ейди? Липочалар кўпчилигидан овқатни қаерга қўйишни ҳам билмайсан. Фотиҳа оши ҳам кичик тўйга айланди. Қизга сават-сават майда-чуйда нарсалар, шоколадлар, ясама гуллар, ҳатто катта айиқ-қўғирчоқ олиб борилади. Шунча сарф-харажат билан тўй қилиб, келин олиб ёки қиз узатиб, ота-она охирида қарзга ботади. Кошки, фарзандлар шу қийналган ота-онанинг қадрига етишса!

Келин-куёв тўйдан кейин қандай яшайди? Куёв дўстлари билан тинчгина даврон суриб юради. Келин ишлайди ёки ўқитган бўлса, давом эттиради. Ота-она бир оғиз насиҳат қилса, гуноҳкорга айланади. Ота кейинги боласининг тўйига пул топиш учун бозорда ёки бошқа жойда ишлайди. Баъзи оталар узоқ юртларга бориб, уйига ойлаб келмайди. Бундан фойдаланган айрим оналар дугоналари билан гап-гаштак ейиш билан овора.

Ахир, келинни ким тарбиялайди? Уй ишларини унга ким ўргатади? Ҳунар ўрганган қизлар яхши яшаб кетаяпти.

Аммо эрка, беъэтибор ўсган қизлар, аксинча, хатосини тан олмай, ўртада низо чиқаришяпти. Ажрашиш кўпайиб, тирик етим болалар сони ошмоқда. Бу – тўқликка шўхлик. Оиланинг қадрига етмай, никоҳнинг уволига қолишмоқда. Назаримда, маҳалла фаоллари оилавий ҳаёт тўғрисида суҳбат уюштириб, нуруний ота-хон-онахонлар ёшларга ибратли сабоқлар беришса, яхши бўлар эди.

– Статистика маълумотларига кўра, ёшлар орасида ажрашишлар ҳам кўпайган...

– Одатда ажрашишга сабаб, қайнона-келин ўртасидаги можародир. Агар ёшлар билан кўпроқ суҳбатлар олиб борилса, улар хатоларини вақтида тушунишарди. Тўйларда одамларнинг сонини эмас, дастурхондаги таомларни камайитириш керак. Афсуски, бугунги тўйларни қариндошлар эмас, тўйхона ва санъаткорлар бошқаряпти.

Пули борлар тўйларига машхур, номдор артистларни қақришади. Буни кўриб бошқалар ҳам шундай қилишга ҳаракат қилишади. Эй биродарлар, азиз ҳамюртлар! Инсонийлик, меҳр-оқибат йўқолиб бормоқда. Бойлик, ҳую-ҳавас, мансаб вақтинча-ку!

Уйлайлик, инсон у дунёга нималарни олиб кетади? Фақат яхши амаллар, илму-маърифат, тақвою ибодат, савобу эҳсонларгина жонимизга оро кириб, бизга йўлдош бўларкан... Бугунги кундаги ҳаётимиздан нолимаслигимиз жоиз. Мақсадимиз – тўйларимизни ихчамлаштириш, ортиқча сарф-харажатларга йўл бермаслик. Исрофгарчиликларнинг олдини олиш.

– Ҳа, албатта, самимий суҳбат учун ташаккур!

3. МҲМИНЖОНОВ суҳбатлашди.

БУВИЛАР ҲГИТИ – КЕЛАЖАК САОДАТИ

Газетамизда авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий урф-одатлар, қадриятлар, расм-русумлар ичида “Оталар сўзи – ақлнинг кўзи”, “Бобо-момолар ўғитлари”, “Авлодларимиз анъаналари”, “Қариси бор уйнинг – париси бор” каби қатор сарлавҳалар остидаги тарбиявий аҳамияти мўл ёритилиб келаётган мақола ва асарлар халқимиз томонидан илқ қарши олиниши, барчага маълум.



Миллий тарбия, исломий одоб-ахлоқ – гўзал фазилатлар дебосасидир.

Мана шу каби мақсадлар асосида тузилиб, юртимизда фаолият юритаётган “Оталар кенгаши” ҳамда “Бувилар кенгаши”нинг олиб бораётган эзгу ишлари халқимиз орасида юксак аҳамиятга эга бўлиб, эътиборга сазовор бўлмоқда.

Шулар қаторида, кўп йиллик тажрибага эга, жонкуар онахон Победа Абдизимова етакчилигидаги “Бувилар кенгаши” аъзолари Қизлар академиясининг мажлислар залида бош қўшиб, янги мақсад-вазифаларни режалаштирдилар. Албатта, кенгашнинг амалга оширадиган тадбирлари иқтидорига қараб аъзоларга тақсимланган. Моҳир устоз-мураббийлар: Раҳима Йўлдошбекова, Нафосат Акрамова, Замира Абдирашидовалар тарбиявий тадбирлар, байрамга бағишланган кечаларнинг кўнглидагидек ўтишига маъсулдилар.

Қишлоқ тўрт даҳадан иборатлиги боис, ҳар бир даҳа бувиларининг ўз етакчилари мавжуд.

Сайрам қопқа даҳасида – Г. Ҳасанова, Гайрат даҳасида – Н. Сулаймонова, Қайнарбулоқ даҳасида – Ж. Анорхонова, Ишчи даҳасида – Г. Парпиевалар хотин-қизлар билан алоқада иш юритадилар.

Мисол тариқасида сўнги уч-тўрт ойда амалга оширилган тадбир ва вазифаларни атаб ўтиш жоиз. Янги йил арафасида Сайрам туман УЭМБ раиси Ш. Бойменов, Қорабулоқ қишлоқ УЭМБ раиси А. Аҳмедов, Қорабулоқ қишлоқ хотин-қизлар кенгаши раисаси Замира Абдирашидова иштирокида қишлоғимиз нуруний онахонларининг ҳордиғини ташкил этиш ҳамда суҳбатидан баҳраманд бўлиш мақсадида “Бувилар сўзи – ақлнинг кўзи” мавзусида катта тадбир ўтказиб, ёшларга ибратли саҳна асарларини намойиш этиб, момолар маслаҳатларидан воқиф бўлишларига эришдик.

Сайрам туман УЭМБ томонидан уюштирилган Янги йил кечасида ҳам фаол иштирок этиб, тадбирнинг файзли ўтишига ҳиссамизни қўшдик.

Қишлоқ ҳокимлиги томонидан Янги йил байрамига бағишлаб ўтказилган тадбирда аъзоларимиз “Миллий таомлар” кўргазмаси ила иштирок этишга муваффақ бўлишди.

Февраль ойи аввалида Шимкент шаҳридаги А. Қуатбеков номили Халқлар дўстлиги университетидан ўтган “Халқлар дўстлигини ривожлантиришда адабиётнинг аҳамияти” мавзусидаги семинарда иштирок этиб, ўзбекистонлик ва тожикистонлик шоир-ёзувчилар ила таълим-тарбияга оид фикр-мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашдик.

Шунингдек, туманда Наврўз байрами шодиёнасида Раҳима Йўлдошбекова етакчилигида бир гуруҳ аъзоларимиз иштирок этиб, миллий қадриятларимиздан “Келин салом” кўринишини қойилмақом ижро этиб, олқишларга сазовор бўлишгани ҳам ютуғимиз.

Қорабулоқ қишлоғи марказида ўтган Наврўз байрамида сумалак қайнатиб, миллий таомлар кўргазмасини ташкил этиб, байрам шуқуҳига гўзаллик бахш этдик.

Шодиёнада Победаҳон Абдизимова “Қозоғистоннинг Олтин китоби”га киритилганлиги муносабати билан “Алтын адам” медали, Жамила Анорхонова, Замира Абдирашидовалар эса ҳокимият томонидан фахрий ёрликлар билан тақдирланди.

Кунги кеча ўтган йиғилишда эса апрель ойида амалга оширилиши даркор тадбирлар режалаштирилди. Шу ой охирида Д. Қўнаев номидаги касб-ҳунар коллежи мажлислар залида “Бувилар маслаҳати – келажак саодати” мавзусида йирик тадбир ўтказишга тайёргарликни бошлаб юбордик.

Гулосиё ҲАСАНОВА,
Қорабулоқ қишлоғи
“Бувилар кенгаши” аъзоси.

ДОШҚОЗОНДА ҲАЛИМ: ҚОРАЧИҚДА ШУКРОНА ТАДБИРИ

Саврон тумани таркибидаги ўзбеклар зич яшайдиган қирқ қопқали Қорачиқ қишлоғидаги жоме масжидида фахрий отахонлар Мирзахон Адҳамов, Жаъфар Исмаилов, қишлоқ имоми Усмон Шарипов каби нуфузли ташкилотчилар ташаббуси ва кўпчилик ҳомийлигида ҳар бирида 250 килограмм овқат тайёрланган еттига улкан дошқозонларда халқимизнинг қадимий тансиқ таоми – ҳалим тайёрланди.



Асосий мақсад – Яратганга шукрона, эл фаровонлиги, деҳқончилик ва чорвачиликка барака ният қилинади.

Тадбирда Саврон тумани имоми амри маъруф қилди. ҚР “Дўстлик” ҳамжамияти раиси Абдулла Исмаилов, вилоят ва Туркистон шаҳар УЭМБ раислари Баҳодир Ирисметов, Райимжон Қўқоровлар фахрий меҳмон сифатида иштирок этдилар.

Ҳалим таоми ҳақида Саврон тумани УЭМБ қошидаги оқсоқоллар кенгаши раиси, моҳир ошпаз Мирзахон Адҳамовдан сўрадик:

– Сумалак каби ҳалим таомининг тарихи ҳам теран. Зигир ёғи, гўшт ва бўғдой 14-18 соат давомида дошқозонда қайнатилади. Масалликлар тўхтовсиз қайнаш натижасида аталасимон бўтқа шаклига қиради. Ҳалим таоми қуввати, дармондориларга бойлиги ҳамда шифобахш хусусияти билан ажралиб туради.

Қишлоғимиз ошпазлари Бахтиёр Абдуғафоров, Анвар Болтабоевлар бошчилигида ушбу таомни тайёрлаган барча ҳамматли йигитларга ҳамда ташриф буюрган барча меҳмонларга самимий миннатдорчилик билдирамиз. Кўпчилигининг нияти қабул бўлсин!

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.

Муаллиф тасвирлари.



Шимкент шаҳридаги Ойбек номили 14-сонли умумтаълим мактаби(директори Гауҳар Байбўсинова)да Наврўз байрами нишонланди.

БИРЛИК ВА БАҒРИКЕНЛИК БАЙРАМИ



Тадбирда шаҳар УЭМБ раиси Тоҳирбек Нишонбоев, Ал Форобий тумани УЭМБ раиси Шуҳрат Рўзиметов, шаҳримиздаги спорт мактаби директори Муслим Шоназаров, мактаб жамоаси, ота-оналар иштирок этишди.



Тадбир миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз ва анъаналаримизга ҳурмат руҳида ўтказилди. Муаллимлар ҳамда ўқувчилар Наврўз кўжа ҳамда сумалакни устозлари билан биргаликда тайёрлашди ва байрам дастурхонида тортиқ қилишди. Мактабнинг бадий ҳаваскорлари ижросидаги концерт дастури ўзгача файз бағишлади. Миллатлараро дўстликни тараннум этиш, дўстлик ришталарини мустаҳкамлашда Наврўзи оламнинг аҳамияти қайд этилди, унинг эзгу анъаналарини давом эттириш зарурлиги таъкидланди.

М. САЪДУЛЛАЕВА.

Тасвирда: байрамдан лавҳалар.

»» Обуначиларимиз орасида

МАСЖИДДАГИ АҲАМИЯТЛИ МАЪРАКА

Туркистон вилояти ЎЗМБ раиси, “Жанубий Қозоғистон” газетаси обунасига ҳар йили 100 нусха билан ҳомийлик ёрдами кўрсатаётган таниқли тадбиркор, Қозоғистон, Ўзбекистон, Туркия давлатлари раҳбарлари таширф буюрган машҳур “Карвонсарой” мажмуаси асосчиси Баҳодир Ирисметов Қўшқўрғонда дошқозонларда тансиқ таом – ҳалим ва сумалак тайёрлаб, элга ош берди.



Вилоят ЎЗМБ раиси Б.Ирисметов Қўшқўрғонлик тадбиркор-ҳайдовчи Тождиддин Жунашевга миннатдорчилик билдирди.



Фаол обуначимиз Рўздат ҳожи Камолов Қўшқўрғон қишлоғи имоми, масжид бунёдкори Ҳасан Эгамбердиев билан.



Уранғай қишлоғи ҳокими Берик Жумаахметули, туман маслаҳати депутати Абдурашид Юсупов Уранғай ва Қўшқўрғоннинг фахрий отахонлари билан.



Б.Ирисметовнинг тадбиркор фарзандлари – Бахтиёр ва Мирзабек Баҳодир ўғиллари тоға юртида ҳалим хизмати билан ҳурмат қозонди.



Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.
Муаллиф тасвирлари.

Мезбон Б. Ирисметов А. Навоийнинг 585, А. Темурнинг 690, Ҳ. Жанибековнинг 95 йиллиги нишонланган жорий йили марҳум ота-онаси – Ирисмет Мирзо ўғли ва Ҳайрибону Қурбонали қизи руҳи покларни ҳурматига Қўшқўрғонда элга дастурхон ёзиш нияти амалга ошганлигидан мамнуллигини билдирди. Тадбиркор ўғиллари Бахтиёр, Мирзабек ҳамда қариндос-уруғлари мезбонлик бурчини адо этиб, меҳмонлар ҳурмати қозонишди.

Тадбирда 35 ёшдаги “Жанубий Қозоғистон” нашрини кўп йиллар мобайнида Туркистондан қишлоққа муштарийларга етказишда ҳалим хизмати билан танилаётган тадбиркор Тождиддин Жунашевга, қишлоқ ЎЗМБ раиси Йўлдош Қосимовга ташкилий хизматлари учун миннатдорчилик билдирди.

Тадбирнинг 9 апрель – соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 690 йиллигига

тўғри келиши маърака иштирокчилари томонидан эзгу ният ва рамзий уйғунлик сифатида қабул қилинди. Амир Темур ташаббуси билан Туркистонда савлат тўки турган Ҳазрат Яссавий мақбараси қурилганга 630 йил тўлиши, ҚР Президенти Қ. Тўқаев Туркистонга таширфи чоғида А. Яссавий маънавий меросини ўрганиш борасида янги қарорлар қабул қилганлиги фахр билан таъкидланди.

Туркистондаги “Иштихат” масжиди бунёдкори, ҳаж сафарларини сифатли ташкил

этаётган ҳидоят илми дарғаси Рўздат ҳожи Камолов ва Қўшқўрғон қишлоғи имоми Ҳасан Эгамбердиевлар етакчилигида Туркистон шаҳри, Саврон тумани қишлоқларидан келган намозхонлар масжидда пешин намозини ўқиб, ўтганлар руҳини ёд этди.

Қўшқўрғон қишлоғи ЎЗМБ раиси, вилоят ҳокими Нуралхан Қўшеров билан қишлоқда янги корхона пойдевори тамал тошини қўйган фахрий отахон Йўлдош Қосимов, Уранғай қишлоғи ҳокими Берик Жумаахметули, Саврон

тумани маслаҳати депутати Абдурашид Юсупов, Саврон тумани ЎЗМБ раиси Қурбонбой Ирисбеков, оқсоқоллар кенгаши раиси Мирзахон Адҳамов, меҳмонлар Худойберган Холметов, Дадаҳон Жалиловлар ўтганларни ёд этиш баробарида юрта тинчлик, ёшларга саодатли ҳаёт тилаб, хайрли ниятларини изҳор этишди.

»» Мулоҳаза

Азон овози эшитилган саҳар. Мақсад (исми ўзгартирилди) одатдагидек, шукроналик билан уйғонди ва ишга отлана бошлади. У жамоат автобуси ҳайдовчиси. Бу касбни танлаганларнинг иш вақти бошқаларниқига нисбатан барвақт бошланади. Мақсад тажрибали ходим сифатида дам олиш ва байрам кунлари ҳам йўловчиларига хизмат кўрсатишга тайёр.

Линияга чиқиш олдидан иш жадвалини кўздан кечириб, одатдагидек, белгиланган кундаги вазифаларини бажаришга киришди.

Бироқ бугунги кун одатдагидек ўтмаслигини у ҳали билмасди.

Шаҳардаги гавжум бекатлардан бирига яқинлашар экан, Мақсаднинг кўнгли негандир хира тортиди. Автобусга 11-12 ёшлар атрофидаги ўқувчилар гуруҳи чиқди. Улар орасида жуссаси каттароқ бир ўсмир ҳам бор эди. У ҳайдовчига яқинроқ жойда турди. Мақсад йўловчиларни йўл ҳақини тўлаш ҳақида бир неча бор оғоҳлантирди. Ҳалиги ўсмир бола унга ўқрайди-да, сўккандек бўлди. Дўстлари орасида кулгу кўтарилди. Лекин ҳеч ким ўзидан ёши катта, ишдаги одамга бундай ҳурматсизлик кўрсатиш инсофдан эмас, демади, уни тўхтатмади. Аксинча, бундай “муомала”ни қўллаб-қувватлагандек, бевосита ёш йўловчига мададор бўлишди. Мақсад изза бўлди, бу гал йўловчи болалардан йўл ҳақини тўлашни қатъийроқ талаб эта бошлади. Шунда... Ҳалиги ўсмир бор кучи билан ҳайдовчининг юзига мушт туширди. Кутилмаган зарбадан Мақсад эсанкираб қолди. Салонда кулгу, мазаҳ тўхтамасди. Мақсад базўр ўрнидан туриб, муштумзўрга жавоб қайтармоқчи эди, бўлмади, боши айланиб, кўзи тиниб, яна жойига ўтириб қолди...

Автобус салонида воқеани жимгина,

БЕМЕҲРЛИКМИ ЁКИ...?

бефарқлик билан кузатиб ўтирган аксарият йўловчилар орасидан бир ногирон киши бу ҳолатдан жайли чиқди. Полиция ҳамда “Тез ёрдам”ни чақирди.

Мутасаддилар воқеа рўй берган жойга етиб келишди ва жабрланувчининг саломатлигига ўрта даражада зарар етказилганини тасдиқлашди. Мақсад бир неча кун касалхонада ётиб, даволанди, иш судга оширилди. Прокурор экспертиза хулосасини, гувоҳлар кўрсатмасини ўқиб эшиттирди. Жабрланган шахс соғлигига етказилган зарарини қоплаш талабини илгари сурди. Мактаб ўқувчиси айбини тан олди, лекин жиноий иш томонларнинг ярашиб, ўзаро тинч сулҳга келганлиги туфайли тўхтатилганини маълум қилди. Жабрланувчи суд қароридан рози бўлди.

Аслини олганда, бу унинг танлови, албатта. Лекин масала бугунги ёшлар қалбидаги ёвузлик, ваҳшийлик, катталарга ҳурмат, кичикларга иззатнинг йўқлиги бориши ҳақида. Муаммони жамият биргаликда ҳал этмаса бўлмайди. Интернетдан турли жангари киноларни кўриб, кўрс ва бемехр шахс сифатида камол топаётган бола эртага ким бўлади? Маънавияти, маданияти-чи? Уни қаердан ва кимдан олади? Ҳозирги ота-оналар болаларини яхши едириб, яхши кийдирипти, қиммат телефонларни олиб бермоқда. Аммо уларнинг таълим-тарбияси ва назоратига кераклича аҳамият беришми? Бола китоб ўқисин, санъат билан шуғуллансин, илм олсин, эзгуликка интилсин демай қўя турайлик, энг оддийси, катталарга ҳурмат, одоб-ахлоқ каби муҳим зарур туйғулари қандай сингдирамиз?

Бекатга етиб келган автобусларга

қараб, ҳайдовчи Мақсаднинг воқеаси эсимга тушиб кетди. Қўллариди телефонларини уйнатиб, шўх-шодон ўқувчиларга ва уларнинг ота-оналарига жамоат транспортдан фойдаланиш қоидаларини қисқача эслатиб қўйишни лозим топдик.

Автобусга чиқаётганда, имкон қадар салоннинг ичкари қисмига ўтиш керак. Бақирш ёки телефон воситасини баланд товушда эшитиш ҳайдовчи эътиборини чалғитади ва бошқа йўловчиларга ноқулайлик туғдиради. Транспортдан чиқинди ва бошқа нарсаларни йўлга ташлаш, ёки қўлни чиқариш, электрон чиптасиз юриш, алкоғолли ичимлик, гиёҳвандлик моддаси таъсирида ёки бошқа маст қилувчи воситалар туфайли маст ҳолда тартиб бузиши, хавфли моддалар ва ашёларни, совуқ куролни (касбий фаолиятда, спорт ёки хўжалик-مائий мақсадларда фойдаланса, очик-гилосиз олиб юриш) салонга олиб кириш тақиқланади. Бу қоидалар бузилса, айбдор маъмурий жавобгарликка тортилади. Ўқувчиларнинг ота-оналари фарзандларининг жамоат транспортда қатнаши учун чиптага пул бермасе, яъни, электрон тўловни таъминламаса, ўзлари жавобгарликка тортиладилар.

Ҳайдовчи ҳам ўз навбатида болаларнинг (16 ёшгача) ҳуқуқларини бузиб, яъни автобусдан мажбуран тушириб юборса ёки ота-онаси ёхуд қонуний вакилларига хабар бермасдан, уларга нисбатан бирорта чора кўрса, жавобгарликка тортилади.

Н. МАВЛОНОВА.

Сарвиноз туғма ногирон эди. Қадам ташлаши оғир, қўл ҳаракатлари беқарор. Лекин қалби... соф, орзулари катта эди.

Мактабда меҳнат дарси. Қизлар ранг-баранг иплар билан дастурмол тўқишпти. Сарвиноз ҳам жимгина бурчақда ўтириб, игнани ушлаб кўрди.

– Устоз, мен ҳам ўргансам бўладими? – деди у умид билан.

Устоз меҳр билан жилмайди:

– Албатта, қизим. Ҳамма нарса ҳаракатингга боғлиқ.

Сарвиноз ипни игнага ўтказмоқчи бўлди. Қўли титради. Ип чалкашди. Яна уриниб кўрди. Яна бўлмади.

Орқа томондан пичирлаш эшитилди: – Устоз, овора бўлманг, – деди бир қиз. – У текис йўлда тўғри юра олмайди-ку...

Синфда кулги кўтарилди. Сарвинознинг қулоқлари қизарди. Кўзлари намланди. Лекин у игнани қўймади.



“Сунчиқ”

– Мен... барибир ўрганман, – деди ичидан.

Уйда ҳам уни эркалашмасди.

– Опа, қўлингиздан келмайдиган ишга бош қотирманг, – дерди укаси. – Барибир, миянги оёқларингизни тўғри бошқара олмайди-ку...

Сарвиноз жим қоларди. Фақат кечқурун ёстиғига юзини босиб, унсиз йиғларди.

Салима хола эса гоҳида алам билан: – Сени туғруқ пайти шифокорлар қўлидан тушириб юборишган. Пешонам шу экан, – дерди.

Бу гаплар Сарвинознинг юрагини тилка-пора қиларди.

Вақт ўтди. Сарвиноз воёга етди. Уни Анварга унаштиришди. Анвар ҳам туғма ногирон эди, лекин юраги кенг, кўнгли тоза йигит эди.

ТЎЙДАН КЕЙИНГИ КҮНЛАР

Қайнониси доим норози:

– Бирор ишни охиригача ўрганганмисиз ўзи? Ё тайёр нарсани еб улгайганмисиз?, – дерди танбех бериб.

Сарвиноз бошини эгиб: – Ҳўп, ойи, ҳаракат қиламан, – дерди.

Бир кун қайнона қаттиқ овозда:

– Деразаларни артинг! Уй ёруғ бўлсин!

– Ҳўп бўлади, – деди Сарвиноз.

У челақка сув солиб, латтани намлади. Дераза тоқчасига чиқди. Бир қўли билан панжарани ушлаб, иккинчи қўли билан ойнани арта бошлади.

Бир лаҳза... қўли сирпанди.

Челақ ағдарилди. Сув шапиллаб ерга тўкилди. Сарвиноз ҳам сув билан бирга полга ағнаб тушди.

– Вой тавба! – деб бақирди қайнона. – Пешонамга фақат касалманд келин учраган экан!

У ачиқ билан челақни тегиб, ҳовлига чиқиб кетди.

Сарвиноз ерда ётар, қўллари титрар, кўзидан ёш оқарди.

Шу пайт эшик очилди.

– Сарвиноз! – деди Анвар хавотир билан. – Нима бўлди? Яхшимисан?

У уни секин кўтарди, бошини елкасига босди.

– Оғриптими?

Сарвиноз йиғлаб юборди: – Мен ҳеч нарсани уддалай олмайман, Анвар... Ҳаммага ортиқча юкман...

Анвар унинг кўз ёшини артди: – Сен юк эмассан. Сен – менинг жуфт-тимсан. Менинг бахтимсан. Бирга ўрганамиз, бирга уддалаймиз.

Шу пайт телефон жиринглади. Салима хола эди.

– Қизим, яхшимисан? Кўнглим безовта бўлиб турибди...

Сарвиноз овозини зўрға тўғрилади: – Ойижон... мен яхшиман. Хавотир олманг.

– Йиғлаяпсанми?

Сарвиноз Анварнинг елкасига суянди.

– Йўқ, ойи... Мен ёлғиз эмасман. Ёнимда отамдан кейинги суянчиғим – турмуш ўртоғим бор...

Анвар уни маҳкам бағрига босди.

Сарвиноз биринчи марта ўзини ожиз эмас, ҳимояланган, қадрли аёлдек ҳис қилди.

Чунки инсонни тик турғизадиган нарса оёқ эмас – меҳр ва суянчиқдир.

Ирисбиби УСМОНТОВА.

Қўлқент қишлоғи.

»» Хотира – муқаддас, кадр – абадий

ЧЎРНОҚДАГИ ФАОЛ ОБУНАЧИМИЗ ЭДИ

Чўрноқдаги меҳнат фахрийси, фаол обуначимиз Шўхрат Исмоилов (тасвирда) оламдан ўтди.

Шўхрат Абутолиб ўғли 1958 йили 7 февралда Чўрноқ қишлоғида зиёли оилада туғилди. Отаси, УВУ фахрийси Абутолиб Исмоилов қишлоқдаги мактабда директор, туман таълим бўлимида нозир бўлиб ишлаган. Онаси, 10 фарзанд тарбиялаган қаҳрамон она Моҳира Насанова уй бекаси эди.

Мактабдан сўнг Шўхрат Исмоилов Шимкентдаги энергетика техникумини тамомлаган. Тошкентдаги трактор заводида, Жамбил вилояти, Қўрдай туманида олий тоифали ҳайдовчи сифатида кўп йиллар самарали меҳнат қилиб нафақага чиққан. Умр йўлдоши Осий Нуртובה билан қўбил фарзандлар – Қўдрат, Бейбит, Улуғбекларни тарбиялаб, неваралар кўрган улкан оиланинг соҳиби эди.



Ш. МАДАЛИЕВ.

Туркистон вилояти ҳамда Саврон тумани ЎЗМБ бошқаруви, тахририят “Жанубий Қозоғистон” вилоят газетаси жонкуяри, Саврон тумани ЎЗМБ раиси ўринбосари, ҚР Фахрий Фўқароси, нафақадаги устоз Ҳурият Абутолиб ўғли ҳамда унинг оила-аъзоларига қариндоши, меҳнат фахрийси
Шўхрат Абутолиб ўғли ИСМОИЛОВ-нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириб, чуқур таъзия изҳор қилади.

“Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти паралимпиадачи спорт устаси, стол теннисидан Қозоғистоннинг чемпиони Тўймурод Эшимовга акаси
Ортиқ ЭШИМОВ-нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор этади.

“Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти нашр илк бор чоп этила бошлаган кундан эътиборан доимий алоқада бўлиб, фаол ҳамкорлик қилган жамоатчи муҳбир
Анвар МУҲАММЕДОВ-нинг вафоти муносабати билан оила аъзолари ва ёру биродарларига ҳамдардлик билдириб, чуқур таъзия изҳор этади.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Тадбирларимиз!

Саврон тумани ўЗМБ раиси,
туман фахрий фуқароси
Қурбонбой ИРИСБЕКОВга!

Совет Иттифоқи Қаҳрамони Қурбонбой Ирисбековнинг невараси, меҳнат фахрийси, нафақа ёшидаги устоз, 2026 йилнинг иккинчи ярмига газетамизга обуна тадбирларида шахсан иштирок этиб, муносиб ҳисса қўшаётган

Қурбонбой Ирисбековни таваллуд кунини мураббаб қилиб, мустақам саломатлик, оилавий бахт, умр йўлдоши билан бирга қўша қаришини тилаймиз.

Фаол обуначимиз, меҳнатлари ҚР Президенти Қ. Тоқ



қавенинг мукофоти билан тақдирланган таниқли тадбиркор, 50 нусха "Жанубий Қозғоғистон" газетаси обунаси ҳомийси, Саврон тумани

ўЗМБ раиси ўринбосари Иқбол Ҳабибулла ўғли ҳам фидоийи ҳамюрти Қурбонбой Ирисбековни мураббаб қилиб.

Ш. МАДАЛИЕВ.



Шоҳдайт

Асра ўзунни биров озоридин,
Кимсага озурдалиқ изхоридин.

(Мазмуни: сенга биров озор етказишига йўл қўйма, ўзинга ҳам бировга озор берма).

Алишер НАВОЙИ.



Шундай одамларни ахтарингки, улар билан суҳбат қилиш яхши китоб ўқиш билан баробар бўлсин. Шундай китобларни ахтарингки, мутолааси файласуфлар суҳбатида тенг бўлсин.

Фрэнсис БЭКОН,
файласуф.



Агар сен дам олишга вақт топа олмасанг, тез орада даволашни учун вақт топишга мажбур бўласан.

Жон УЭЙНМЕЙКЕР,
америкалик бизнесмен.

Обуначиларимиз орасида



Ф. Акешов умр йўлдоши Раъно Содик қизи билан.

ТУРКИСТОНЛИК БУНЁДКОР
ТАДБИРКОРГА ТАБРИКЛАР

Таниқли тадбиркор, газетамиз жонкуяри Ғайрат Маҳкамбой ўғлини кўрам кўлам фаслида 63 ёш – нафақага чиқиши муносабати билан фаол обуначиларимиз – опаси, СССР халқ депутати Шароф Ниёзовнинг келини Норжон ҳожи, тадбиркор акаси Мирзахон ҳожи, умр йўлдоши Раъно Содик қизи, фарзандлари Моҳигул, Абдулла, неваралари, сифатли иморатлар бунёд этиб, донг таратган кадрдон "Маҳкамбой ота" МЧБ жамоаси номидан ўринбосарлари Тўлқин Тойжонова, Қайрат Ахметов, Рустам Абдусатторов, республикамиздаги донгдор фахрий қурувчи, "Ақ жол" МЧБ асосчиси, ҚР Фахрий фуқароси Собир Отаев, Туркистон вилоят, шаҳар, туман ўЗМБ раислари ва ўринбосарлари Баҳодир Ирисметов, Райимжон Қўчқоров, Қурбонбой Ирисбеков, Иқбол Абишев, 108 ёшдаги Ҳамза номли мактаб устозлар ва ота-оналар номидан директор Дилбар Дийметова ва яна кўпчилик самимий мураббаб қилиб, сиҳат-саломатлик, саодат, кенг қамровли бунёдкорлик фаолиятида янги зафарлар тилайди.



Туркистон шаҳар, Саврон тумани ўЗМБ раислари ва ўринбосари Райимжон Қўчқоров, Қурбонбой Ирисбеков, Иқбол Абишевлар Ф. Акешовни қутламоқда.

ғайрати ва салоҳияти билан бир неча юз кишилик йирик, ақил, бунёдкор жамоага айланган. Бунёд этилган шифо, таълим, тижорат масканлари, ёпиқ сузиш бассейни, меҳмонхона, тўйхоналар, спорт иншоотлари ҳозирда вилоятимиз аҳолисига ва меҳмонларга беҳўсон хизмат кўрсатмоқда.

2018 йили 19 июнда ҚР Тўнғич Президенти Фармони билан янгидан ташкил этилган Туркистон вилояти маркази Туркистон шаҳри эҳтиб белги-ланган, вилоятимизнинг биринчи ҳокими Жансейит Тўймаев Туркистонни оралаб кўриб, айнан "Маҳкамбой ота" МЧБ бунёд этган замонавий, сифатли биноларни вилоят



Ф. Акешовнинг падари бузруквори, таваллудига 106 йил тўлган Маҳкамбой ота.

ган ҳокимлар Мухит Алиев, Алипбек Ўсербаев, Тажибек Мусаев, Рашид Аюпов, маслаҳат раислари Гани Рисбеков, Гаппар Сарсенбаев, вилоят, шаҳар оқсоқоллар, фахрийлар кенгаши раҳбарлари Жарилқасин Азретбергенов, Жарқинбек Қулбайимбетов, вилоят маслаҳатининг депутатлари Дониш Маннотов, Раҳим Танирбергенов, Муталлиб Йўлдошев, Туркистон тумани тиббиёт бирлашмаси собиқ раҳбари Баҳодир Ҳабибуллаевлар иштирок этиб, омад тилашган. Кўп мукофотлар, хусусан, вилоят ўЗМБ раиси Б. Ирисметов тавсияси билан Қозғоғистон халқи Ас-

Ҳалол меҳнати билан эл эътиборини қозонган Ғайрат Акешовнинг падари бузруквори, УВУ фахрийси Маҳкамбой ота 1920 йили, волидаи муҳтарамаси Хайринисо ая 1932 йили таваллуд топишган. Маҳкамбой отанинг пири бадавлат оиласи серфарзанд бўлган. Мақоламиз қаҳрамони катта оилада Қозғоғистон ва Ўзбекистонда истиқомат қилиб, турли соҳаларда меҳнат қилаётган опа-сингил, ака-укалари Ризқи, Рисолат, Умиджон, Отахон, Норжон, Назира, Мирзахон, Жўраҳон, Одилхон, Абдуқодир, Мариям, Малика, Абдувалилар билан ўсиб, камол топди.

Маҳкамбой ота урушдан



ҚР Фахрий фуқароси Собир Отаев Туркистон шаҳрининг фахрий отахонлари Тўлқин Саидмуродов, Дилмурод Жамолов билан Ф. Акешовни қутламоқда.



Ғайрат Акешов акалари Мирзахон, Жўраҳон, Одилхон ва укаси Абдуқодир билан.



Ф. Акешов неваралари даврасида.

сўнг қобилияти, билими ва иқтидори туфайли бир неча идорада ҳисобчи-бухгалтер бўлиб самарали меҳнат қилган. Қобил фарзандлар отасидан фаровон ҳаётга тинимсиз ва ҳалол меҳнат орқали эришишини ўрганишган. Ғайрат Маҳкамбой ўғли Тошкент вилояти Янгийўл шаҳрида озиқ-овқат техникумида тахсил олди. Меҳнат фаолиятини Туркистон шаҳридаги умумий оқватланиш шохобчаларида бошлади. Мус-

тақиллиқнинг дастлабки йилларида тадбиркорлик билан шуғулланди. Бир неча ходимдан иборат "Маҳкамбой ота" корхонаси вақт ўтиб, Ғайрат Маҳкамбой ўғлининг билими,

ҳокимлиги ҳамда департаментлари учун ижарага олганлиги шонли тарих.

Ўтган йиллар мобайнида Ғайрат Акешов жамоаси билан қурган иншоотлар тақдиротида Туркистон шаҳрини бошқар-

самблеяси раиси ўринбосари М. Азилханов имзолаган кўрақ нишони билан тақдирланган.

Ш. МАДАЛИЕВ.
Муаллиф тасвирлари.

PS: Юқорида номлари қайд этилган, элимиз равнақиға муносиб ҳисса қўшган ҳимматли ҳамюртларимизнинг ҳолис ниятлари ижобат бўлишига 35 ёшдаги "Жанубий Қозғоғистон" таҳририяти тилақдош. Саховатли, барча билан бирдек муносабатда бўладиган кенг фельли, кам сўзлаб, кўп ишлайдиган, кадрдон Туркистон шаҳрининг ободончилиғига муносиб ҳисса қўшиб, шу улғун ният йўлида самарали меҳнат қилишда давом этаётган Ғайрат Маҳкамбой ўғли Акешов бунёдкорлик фаолиятини келгусида ҳам янги ғайрат ила давом эттиришига ишончимиз комил.

СУДДАГИ НУТҚ...

"Мен тўғрилиқ орқасида бош кетса, "иҳ" дейдиган йигит эмасман..."

Кўнглида шамси губороти, тескаричилик мақсади бўлмағон содда, гўл, виждонлик йигитга бу қадар хўрликдан ўлим танқисроқдир.

Бир неча шахсларнинг орзусича маънавий ўлим билан ўлдирдим. Энди, жисмоний ўлим менга кўрқинч эмасдир..."



Абдулла ҚОДИРИЙ.

Мен кўрган таҳқирни ҳеч ким кўрмаган,
Катта қалб – майда гап сари юрмаган.
Сўз ва адабиёт кўчаларида
Бирор ит қолмади менга ҳурмаган.

Мирзо КЕНЖАБЕК.

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ
ДЕЙДИЛАРКИ...

Ҳар бир янги авлод ўз ҳаётини бошқа мамлакатларда рўй берган исёнлар, тараққиёт билан таққослаб кўради ва таназул сабабларини қидиради. Агар таназул сабабларини тўғри топса, энди ўтмишдаги хатоларни такрорламасликка интилади, тўғри йўлга тушиб олишга ҳаракат қилади.

Табиатни қандай қилиб асраш, урушлардан, техникавий тараққиёт келтириб чиқарадиган қулфатлардан ҳимояланиш тўғрисида бош қотиришдан аввал маънавий маънода инсон қандай қилиб инсон бўлиб қолаётгани, нафақат ақл-идроқли мавжудот шаклида эмас, балки ҳис қиладиган, виждонли инсон қандоқ бўлиши кераклигини билмоқ керак.

Дунё инсон учун керак – одам унинг асл моҳиятини тушуниб олиш учун яратилган, шу боис ҳам дунё турибди.

Эзулик салгина чекинса – бас, унинг ўрнига дарҳол ёвузлик мустақамланиб олади.

Қоинот миқёсида инсон умри пашшанинг умридай гап. Бироқ инсонга таваққур ато қилинган, шу нарса унинг умрини узайтиради. Лекин акси ҳам бўлади – кескин қисқартиради ҳам.

Фақат миллий, халқона таълим-тарбия билан маънавият, ички маданият пайванд қилинсагина, одамларни ҳар қандай пасткашлиқдан, тубанликдан асраб қолиш мумкин.

Табобат

ҚҲЙ ДУМБАСИ – ТАБИЙ ШИФО МАНБАИ

- Қўй думбаси(бунга чарви ёғлар кирмайдиган) мунтазам истеъмол қилиш инсон саломатлиги учун жуда фойдали.
- Бугунги кунда қўй думбасининг организмга ижобий таъсирини ҳатто ривожланган мамлакатлар олимлари ҳам тан олмоқда.
- У табиий энергия манбаи бўлиб, танани қувватлантиради ва куч бағишлайди.

БИЛАСИЗМИ?

- Лавлаги – жигарни тозалайди, ёғ алмашинувини тезлаштиради.
- Лимон – иммунитетни кўтарайди, ёғни эритишга кўмаклашади.
- Занжабил (имбирь) – моддалар алмашинувини тезлаштиради, қорин ёғини камайтиришга ёрдам беради.
- Сабзи – организмни дармондорилар билан тўлдирайди.
- Олма – зарарли моддаларни танадан чиқаради, иштаҳани очайди.
- Сув – танани намлаб, тозалаб туради.



Директор – Бош муҳаррир
Райимжон Ортикбой ўғли
АЛИБОВЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ.
Авазхон БУРОНБЕКОВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саврон – Шамира МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22.
Қазигурт – Хуршид ҚҲЧҚОРОВ. +7701-447-37-42.
Сайрам – Зокиржон МҲМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90
Тулқибаш – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.
Жетисай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97
Келес, Саригоч – Малика ЭЛТОЕВА. +7702-841-78-82
Кентов, Сўзқ – Рўзиохон МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – "Жанубий Қозғоғистон" вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти" масъулияти чекланган биродарлиги.

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт хабар дэтилларини тўғрилиқ учун муаллифлар, реклам ва эълон берувчилар масъулдир.
• Фойдаланилмаган мақолалар ва эълонлар жавоб қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2026 йил 1 апрелда рўйхатга олинди.
KZ64VPY00145638 ғувоҳнома берилган.

*ERNUR-Print МЧБ босмакўнасида чоп этилди.
Шимкент шаҳри, Т. Алимутов кўчаси, 22.

Қозғоғистон Республикасида тарқатилади.

Бўғим
766

Нашр кўрсаткичи – 65466.

Адади – 10500 нусха.

Навбатчи муҳаррир: Наргиза МАВ-ЮНОВА.